

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АГЗАМОВА САЙЁРА САИДАМИНОВНА

**ЁНОҚ-ОРБИТА СОҲАСИНИНГ ХАМКОРЛИҚДАГИ
ЖАРОХАТЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА
АСОРАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

**14.00.33 - Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менеджмент
14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Medical Science (DSc)

Агзамова Сайёра Саидаминовна

Ёноқ-орбита соҳасининг хамкорликдаги жароҳатларини ташхислаш,
даволаш ва асоратларини олдини олишга тизимли ёндашув

3

Агзамова Сайёра Саидаминовна

Системный подход к диагностике, тактике ведения и профилактике
осложнений при сочетанных скулоорбитальных травмах

31

Agzamova Sayyora Saidaminovna

A systematic approach to the diagnosis, management tactics and prevention of
complications in combined zygomatic-orbital injuries.....

57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

61

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АГЗАМОВА САЙЁРА САИДАМИНОВНА

**ЁНОҚ-ОРБИТА СОҲАСИНИНГ ХАМКОРЛИҚДАГИ
ЖАРОХАТЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА
АСОРАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

**14.00.33 - Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менеджмент
14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Tib524 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uza.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ризаев Жасур Алимджанович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ибрагимов Азиз Юлдашевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Красильникова Виктория Леонидовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Белорусия Республикаси)

Билалов Эркин Назимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **“С.Д. Асфандияров” номидаги**
Қозоғистон миллий тиббиёт университети
(Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: info@eyecenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: info@eyecenter.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ф. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Ш.А. Джамалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

М.Х.Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотлари бўйича “..кўрув аъзоси жароҳатлари, бирламчи ногиронлик, кўрлик ва кам кўриш тизимида, глаукома ва кўздаги дегенератив ўзгаришлардан кейин учинчи ўринни эгаллайди (16-18%)...”¹. Кўрув аъзоси ва унинг қўшимча қисмининг шикастланиши билан боғлиқ бўлган юз скелети жароҳатлари орасида орбита жароҳатлари 13-36% ни эгаллайди, ёноқ – орбитал комплекси (ЁОК) синиши ўзининг қайталаниши бўйича, юз-жағ скелети жароҳатлари орасида пастки жағ ёки бурун суяклари синишидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди². Шу билан бирга, бош мия жароҳатларида юз скелети юқори соҳаси шикастланишларининг 16-30% ҳеч қачон ташхисланмайди, аммо уларни ўз вақтида ва нотўғри даволаш кўриш аъзоси фаолиятининг бузилишларини келтириб чиқаради. Орбитанинг ҳамкорликдаги жароҳатлари оқибатида пайдо бўладиган офтальмологик асоратларни ўз вақтида тўлиқ ташхислаш ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб, у беморнинг ҳаёт сифати ва ижтимоийлашувига таъсир қилади [Катаев М.Г., 2010; Гундорова Р.А., 2009; Josef J.M., 2011].

Жаҳон миқёсида замонавий тиббиётнинг, хусусан, офтальмологиянинг ривожланиши соғлиқни сақлашнинг ихтисослаштирилган бўғинида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш билан боғлиқ. Хамкорликдаги ёноқ-орбита соҳаси (ХЁОС) жароҳатларида беморларни жароҳлик усули билан даволаш самардорлигини ошириш ва унинг натижасида пайдо бўладиган травматик оптик нейропатия (ТОН) ни олдини олиш борасида қатор илмий-тадқиқотлар муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Бу борада ХЁОС жароҳатларини эрта аниқлашга, ташхисотга ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқишга, асоратларнинг олдини олишга, ногиронликнинг бошланиши ва кўришнинг тўлиқ йўқолишининг олдини олишга, юз-жағ жарроҳлари ва бошқа тегишли мутахассислар билан биргаликда самарали реабилитация қилишга қаратилган илмий тадқиқотларига ҳам устувор даражада қаралмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида офтальмологик касалликларни эрта аниқлаш ва даволашга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...» каби вазифалар белгиланган. Таъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш тизимида мақсадли тадбирлар ўтказилишига қарамай, ХЁОС жароҳатларида ТОНни олдини олиш борасида ҳам ўз ечимини кутаётган қатор вазифалар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига

¹ WHO [webpage on the Internet] Prevention of Blindness and Visual Impairment. Priority Eye Diseases. 2017. <https://www.who.int/blindness/causes/priority/en/index7.html>.

² Taylor H. The global issue of vision loss and what we can do about it // Asia Pac. J. Ophthalmol (Phila.). - 2016. - Vol.5 (2). - P. 95-96. 25.

тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»³ борасида вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан жамоат саломатлиги кўрсаткичларини оптималлаштиришга имкон берувчи омилларни ўрганиш, соғлиқни сақлашнинг турли бўғинларидаги даволаш–профилактика муассасаларининг тизимли фаолияти услублари самарадорлигини ошириш долзарб йўналишлардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴.

ЁОК жароҳатларининг ва травматик оптик нейропатиянинг (ТОН) эпидемиологияси, этиологияси, эрта ташхисоти, даволаш, тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва баҳолаш, иқтисодий самарадорлиги муаммосига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: The National Institute of Eye, National Institute of Health (АҚШ); University Vita-Salute (Италия); University of Bordeaux, Inserm, Bordeaux Population Health Research Center, University Paris-Est (Франция); Instituto de Microcirugía Ocular (ИМО) (Испания); Institute of Neuropathology, University of Göttingen Germany (Германия); Ophthalmic Epidemiology and Genetics Service, Tufts University School of Medicine and Tufts Medical Center; New England Eye Center (Англия, Буюк Британия); Г.Гельмгольц номидаги Кўз касалликлари илмий-тадқиқот институти (Россия); И.П. Павлов номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли Фармони.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалар.

университети (Россия); Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон); Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

ТОНни башоратлаш, эрта аниқлаш ва олдини олиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ТОН эпидемиологияси, таснифи, хавф омиллари, дори воситалари ёрдамида олдини олиш усуллари ўрганилган (The National Institute of Eye, National Institute of Health); ТОНнинг офтальмологик омиллари билан боғлиқ ҳолда ривожланиш модели ўрганилган (Clínica Universidadde Navarra, Pamplona, Spain, Ophthalmic Epidemiology and Genetics Service, Tufts University School and Medical Center, New England Eye Center, Англия); кўрув аъзосининг ёпиқ жароҳатларида гемодинамик ва тўр парданинг ички нейронларидаги ўзгаришларнинг табиати ўрганилган (Г.Гельмгольц номидаги кўз касалликлари илмий тадқиқот институти, Россия); кўз касалликлари оқибатида ногиронликнинг тиббий-ижтимоий ва клиник-эксперт омиллари, ҳамда тиббий ижтимоий экспертизани такомиллаштириш чоралари (ўрганилган) бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Г.Гельмгольц номидаги кўз касалликлари илмий тадқиқот институти, Россия). ТОНни даволашда глюкокортикостероидлардан фойдаланиш самараси исботланган (Санкт–Петербург биорегуляция ва геронтология институти, Россия).

ХЁОС жароҳати эпидемиологияси, хавф омилларининг таъсири, ташхислаш ва даволаш, оммавий олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган қатор устувор тадқиқотлар олиб борилмоқда: ТОНни келиб чиқишида хавф омилларини таъсирини баҳолаш; эрта ташхислаш муаммоларини асослаш ва самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш; ногиронликни олдини олиш; соғлиқни сақлашнинг ихтисослаштирилган бўғинларида ХЁОС жароҳатини даволаш тадбирларини ташкиллаштириш тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги 10 йил ичида юз скелети тузилмаларининг шикастланишлари сонини 2,4 баробар ошиши, бу синишлар орасида юз суяклари ўрта соҳаси (ЮСЎС) синишлари 18-31% учраши ва улар орасида айнан ЁОК синишлари (70% гача) устунлик қилиши, ушбу касалликни юзага келиши ва кечишига турли хавф омилларининг потенциал таъсири, патогенези, ХЁОС синишларини ва унинг кўз асоратларидан бири бўлган ТОНни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш, ҳатто эрта босқичларда ТОНни авж олиш хавфини башоратлаш кўп сонли тадқиқотчилар гуруҳининг тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади ва қатор халқаро нашрларда ёритилган (Лепилин А.В. ҳаммуал., 2012; Стандоваль Х.М., 2012; Dan-Maradi А.А., etal, 2014; HwangK., etal, 2011; TuncelN., etal, 2011; Candamourtyetal. R. etal, 2013; Gveneladze, Z., 2014; Schneideraetal D.,2015). ХЁОС синишларини махсус даволашнинг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, ТОНни эрта аниқлаш ва юзага келишини башоратлаш, олдини олиш бўйича тадбирлар тизимини ташкил этиш масалалари соғлиқни сақлашни ўта долзарб вазифаси саналади (Копецкий И.С., 2012, Бедретдинов А.Н., 2018; Юсупов Ш.Ш., 2019; Lim L.S. et al., 2012; Alfredo García-Layanaetal, 2017). Аммо мавжуд жароҳлик усулларнинг ранг-

баранглигига қарамай, ҳозирга қадар беморларни ҲЁОС жароҳатларида ва бош мия жароҳатларининг ўткир даврида нейроофтальмологик текширишларига бағишланган нашрлар камчиликни ташкил этади. Афсуски, мавжуд бўлган маҳаллий адабиётларда Ўзбекистонда бу муаммонинг тарқалганлиги тўғрисидаги ва эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига ҳаволалар мавжуд эмас.

Мамлакатимизда кўрув нерви касалликларини эрта ташҳислаш ва даволаш масалаларини ҳал этиш бўйича қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: кўрув нерви касалликларини эрта ташҳислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Камилов Х.М., 1988); кўрув нерви яллиғланиш касалликларининг клиник-ташҳисий хусусиятлари ва комплекс даволаш асосланган (Хамраева Г.Х., 2017); кўрув нервининг ишемик ва туғма аномалияларидаги ўзгаришларнинг ўзига хосликлари баҳоланган (Касимова М.С., 2009; Зокирходжаев Р.А., 2018), бироқ, ҲЁОС жароҳатларида кўрув нерви ўзгаришларининг клиник-ташҳисоти ва даволашни илмий асослашга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Ҳозирги кунга қадар, маҳаллий илмий адабиётларда Ўзбекистонда ЁОК жароҳатларининг эпидемиологик ва ногиронлик кўрсаткичлари ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Ҳамкорликдаги ЁОК жароҳатлар натижасида келиб чиқувчи асоратларни олдини олиш чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 012000260 «Жароҳатлар, хирургик касалликлар ва ўсмаларни олдини олиш, ташҳислаш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш» (2019–2023 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳамкорликдаги ёноқ-орбитал жароҳатларда ташҳисот, даволаш тактикаси ва асоратларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон бўйича кўрув аъзоси ёпиқ жароҳатлари билан касалланиш, кўз аъзоси ёпиқ жароҳатлари оқибатида ногиронлик ҳолати ва динамикасини аниқлаш;

тиббий маълумотларни ретроспектив таҳлили асосида ҳамкорликдаги ёноқ-орбитал жароҳатлари бўлган беморларнинг тиббий-ижтимоий ва клиник хусусиятларини аниқлаш;

тиббий маълумотларни ўрганиш асосида ҳамкорликдаги ёноқ-орбитал жароҳатлари бўлган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни ретроспектив таҳлилини ўтказиш;

ҳамкорликдаги ёноқ-орбитал жароҳатларда синиш соҳасини маълум бир жойда бўлишига қараб, жароҳатдан кейинги эрта ва кеч даврида пайдо бўладиган офтальмологик белгилар ва асоратларини учраш ҳолатларини аниқлаш;

хамкорликдаги ёноқ-орбитал жароҳатларда травматик оптик нейропатия ривожланишида кўз гемодинамик кўрсаткичларининг ролини аниқлаш;

хамкорликдаги ёноқ-орбитал жароҳатларда ташхислаш ва даволаш, асоратларнинг олдини олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти: ЎзРССВ Республика тиббий–ижтимоий экспертиза инспекцияси ва статистик бошқармасининг, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббий марказининг хисобот шакллари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг статистика тўплами, 2010-2019 йиллар мобайнида Тошкент давлат стоматология институти клиникаси юз-жағ жарролик бўлими ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида даволанган 19850 беморнинг саралаш орқали тиббий ҳужжатлари: 1884 нафар беморнинг: 1654 та касаллик тарихлари ва 230 та амбулатор карталарнинг ретроспектив таҳлили, шунингдек ҚЎОС жароҳати бўлган 190 нафар беморнинг офтальмологик текшириш маълумотлари.

Тадқиқотнинг предмети сифатида 2010–2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича кўрув аъзоси ёпиқ жароҳатлари (КАЁЖ) билан касалланиш ва ногиронлик кўрсаткичлари, архив материалларини ретроспектив таҳлили, беморлар ва уларнинг тиббий ҳужжатлари, шунингдек офтальмологик текшириш натижаларининг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқотни амалга оширишда нусха кўчириш, таҳлилий, эксперт, стандарт офтальмологик, клиник - инструментал усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида (вилоятлар кесимида) илк бор, охириги ўн йил давомида, КАЁЖ билан касалланиш, унинг оқибатидаги ногиронликнинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар аниқланган ва КАЁЖларини эрта аниқлаш, олдини олишда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни такомиллаштириш муҳим омил эканлиги исботланган;

илк бор юз ўрта соҳасининг шикастланишлари таркибида ёноқ-орбитал жароҳатларнинг хамкорликда учраш кўрсаткичи, офтальмологик белгилари, шунингдек, асоратлари аниқланган ва ТОНни олдини олишни такомиллаштириш зарурати исботланган;

жароҳатнинг дастлабки даврида ТОНни олдини олишни такомиллаштиришда ультратовушли офтальмодопплерография диагностикаси зарурлиги исботланган;

ТОНнинг олдини олиш самарадорлиги биопептид ва ангиопротектор дори воситаларининг қўлланилиши билан исботланган;

хамкорликдаги ёноқ-орбитал жароҳатлари бўлган беморларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришга имкон берувчи алгоритмнинг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор 2010-2019 йиллар давомида Ўзбекистонда КАЁЖ оқибатидаги ногиронлик ва КАЁЖ лари билан касалланиш кўрсаткичлари динамикаси баҳоланган;

даволаш тактикасини танлашда МСКТ ва ултратовушли офтальмодопплерографияни ўрни ва уларнинг диагностик самарадорлиги исботланган;

ТОНни олдини олиш учун тавсия этилган даволаш усулининг клиник ва иқтисодий самарадорлиги исботланган;

ҳамкорликдаги ёноқ-орбитал жароҳати бўлган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини ташкил этиш учун ушбу патологияни ташхислаш ва даволаш алгоритмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Замоनावий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқотда замоनावий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи таҳлилий, нусха кўчириш, эксперт, клиник ва функционал, статистик тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги, ТОНни эрта аниқлаш ва олдини олиш моделини жорий этишга тизимли ёндошишни баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, олинган хулоса натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, илк бор тиббий ёрдамни такомиллаштириш борасида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари учун ахборот базаси бўла оладиган, 2010-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида кўриш аъзоси ёпиқ жароҳатлари оқибатидаги ногиронлик ва кўриш аъзоси ёпиқ жароҳатлари билан касалланиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар, ЁОК жароҳатларининг учраш частотаси ва офтальмологик аломатлар, улар билан боғлиқ асоратлар ҳақидаги маълумотлар, ТОНни олдини олиш ва даволаш схемасини таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳамкорликдаги ёноқ-орбитал жароҳатларда МСКТ ва ултратовушли офтальмодопплерографиянинг мажбурий жорий этилиши ташхисотни яхшилаш, ТОНни тиббий профилактика усули эса ўз навбатида ногиронликни камайтириш ва беморларнинг қониқарли ҳаёт сифатини сақлаш имкон бериши, соғлиқни сақлашни ихтисослаштирилган бўғини учун ҳамкорликдаги ёноқ-орбитал жароҳатларда ТОНни олдини олишни такомиллаштириш алгоритминини таклиф этганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиниши. Ёноқ-орбита соҳасининг ҳамкорликдаги жароҳатларини ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга тизимли ёндашув бўйича бажарилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

ТОНни дори воситаларини қўллаш усули билан такомиллаштириш натижасида олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Ёноқ-орбитал комплекси жароҳатларининг офтальмологик асоратларини профилактикасини такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган ва соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 декабридаги 8н-р/557 сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома профилактика принципларига риоя қилган ҳолда, жароҳат олган беморларда ТОНни юзага келиш хавфи юқори бўлган шахсларда касалликни олдини олишни баргараф этиш ва ТОНни дастлабки босқичида жадаллашишини олдини олиш имконини берган;

Ҳамкорликдаги ёноқ-орбитал жароҳатлари ташҳисотини инструментал-диагностика усули билан такомиллаштириш натижасида олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Дуплерли текшириш усули билан ёноқ-орбитал комплекс жароҳатлари диагностикасини такомиллаштириш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган ва соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 декабридаги 8н-р/558сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг тиббий амалиётга жорий этилиши ёноқ-орбитал комплекси синишларида, шикастланишдан кейинги дастлабки ва кечки даврларида тўр парда ва кўрув нервининг минтақавий гемодинамикаси кўрсаткичларини ўрганиш, шунингдек, ҳолатни баҳолаш имконини берган;

Ёноқ-орбита соҳасининг ҳамкорликдаги жароҳатларида офтальмологик асоратларини олдини олишда дори воситаларини қўллаш усули ва ташҳисотни инструментал-диагностика усули ёрдамида такомиллаштирилиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси, Тошкент давлат стоматология институти клиникаси, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабридаги 8н-р/247сонли маълумотномаси). Олинган натижаларни тиббиёт амалиётига жорий этилиши ёноқ-орбитал комплекси жароҳатларида тиббий ёрдамни ташкил этишда самарадорликка эришишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 12 та мақола, улардан, 9 та республика ва 3 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 7 боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий ишнинг **кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва муҳимлигига асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги ва ишнинг илмий янгилигини, шунингдек тадқиқотнинг амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, наشر этилган асарлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши баён қилинган.

Диссертациянинг **«Ёноқ-орбитал жароҳатлар муаммоси ва унинг тиббий-ижтимоий аҳамияти (адабиётлар шархи)»** деб номланган биринчи бобида офталмологик шикастланишлар таркибида ёноқ-орбитал жароҳатларнинг тарқалиши ва ногиронлиги муаммосининг замонавий ҳолатини ёритувчи маҳаллий ҳамда хорижий адабиётлар таҳлили ва хавф омиллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Эрта ташхислаш ва консерватив даволашнинг замонавий усулларига алоҳида эътибор қаратилган. Соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида ёноқ-орбитал шикастланишларда тиббий ёрдамни ташкил этиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объекти, предмети, материали ва усуллари, қўлланилган усуллар тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари берилган.

Тадқиқот 2014 - 2019 йиллар давомида Тошкент давлат стоматология институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси маслаҳат поликлиникаси ва кўз микрохирургияси бўлими, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги (ССВ) тиббий-ижтимоий Республика экспертизаси ва статистика бошқармаси маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси ССВ статистик тўплам маълумотлари, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳисобот шакллари маълумотларининг таҳлили ўтказилган. Бироқ, ёноқ-орбитал комплекси жароҳатлари ва ушбу соҳа шикастланишлари натижасида ногиронлик бўйича статистик маълумотлар топиомаган. Натижада, Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йиллар мобайнида КАЁЖларининг касалланиш кўрсаткичлари ҳолатини, динамикасини, шунингдек КАЁЖлари оқибатидаги умумий ва бирламчи ногиронлик ғолатини ўрганиш мақсадида КАЁЖларининг статистик маълумотларини таҳлил қилишимизга тўғри келди. Нусха кўчириш ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида, даволаш – профилактика муассасаларининг архиви материалларини - офтальмологик шикастланишли тиббий (амбулатор ва стационар) карталарнинг ретроспектив таҳлили ўтказилган. Жами 19850 та тиббий маълумотлар кўриб чиқилган, шулардан юз

ўрта соҳаси (ЮЎС) шикастланиши бўлган беморларнинг 1884 тиббий карталари танлаб олинган.

Учинчи босқичда, (ретроспектив таҳлил) - ЁОК шикастланишли беморларнинг мурожаат қилиш вақтларини, офтальмологик асоратларнинг мавжудлигини ва шикастланиш вақтига кўра ЁОКЖ бўлган беморларни бошқариш тактикасини белгиловчи омилар тузилмаси 1884 та тиббий картанинг ретроспектив таҳлилида ўтказилган: шулардан 1654 таси юз ўрта соҳаси (ЮЎС) шикастланиши бўлган беморларнинг касаллик тарихи ва 230 таси ЁОКЖ бўлган беморларнинг амбулатор карталаридир.

Тўртинчи босқичда (ретроспектив таҳлил) – беморларга тиббий ёрдамни босқичларда ташкил этишни такомиллаштириш таҳлили ўтказилган. ЮЎС шикастланган беморларга кўрсатилган биринчи тиббий ёрдамнинг ҳолати баҳоланган. 2010 – 2019 йиллар давомида 1654 та тиббий маълумотларни ретроспектив таҳлил қилиш асосида, беморнинг жароҳатланган онидан то тиббий – профилактика муассасага ёрдам билан мурожаат қилиши муддати, шунингдек муҳтож бўлганларнинг касалхонага ётқизилган вақти ўрганилган, шулардан 1280 таси ЁОКЖ бўлган беморлардир.

Бешинчи босқичда (ретроспектив таҳлил) – ЎЮС синиши бўлган беморларнинг тиббий-ижтимоий ва клиник хусусиятлари таҳлил қилинган. ЖССТ томонидан тасдиқланган жароҳатларнинг клиник таснифи асосида ҳаёт тарзи, ижтимоий ва касбий мақоми, шунингдек ЎЮС синишларининг жойлашуви ва орбитанинг чегараланган синиши каб жароҳатларга олиб келувчи ва қўзғатувчи турли омилар ўрганилган. Ушбу тадқиқот натижасида клиник офтальмологик белгиларга, офтальмологик асоратларнинг мавжудлигига ва шикастланиш даврига қараб беморларни даволаш тактикасига етарлича баҳо бермилмаганлиги, ЁОКЖ бўлган беморларнинг 1280та тиббий маълумотларини: 230 та амбулатор карталар ва 1050 та касаллик тарихини ретроспектив таҳлилида аниқланган.

Олтинчи босқичда (проспектив тадқиқот) – ЁОКЖ бўлган беморларда (110 нафар) кўз гемодинамикасининг диагностикаси ва ТОНни юзага келиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларда (190 нафар) дори воситалари ёрдамида олдини олиш ўтказилган, шунингдек, тадқиқотнинг клиник-функционал ва аналитик услублари ҳам қўлланилган.

Диссертациянинг **“Кўрув аъзоси ёпиқ жароҳатлари оқибатида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг кўриш бўйича касалланиши ва ногиронлиги”** номли *учинчи бобида*, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари кесимида 2010-2019 йиллар мобайнида катта ёшдаги аҳолининг КАЁЖ билан касалланиш ва КАЁЖ оқибатида ногиронлик кўрсаткичлари ҳолати ва динамикаси таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, 2010 йилга нисбатан умумий касалланиш (63,16) - 2012 йилда 7,5 га (70,63) ортиш тенденциясига эга бўлган, аммо 2014 йилга келиб касалланиш кўрсаткичлари дастлабки ҳолатига қадар кескин пасайган – 64,22. Бироқ 2016 йилдан бошлаб кўрсаткичлар кескин орта бошлаган (48 га) ва 111,24 га етган ҳамда 2019 йилга қадар 100 минг нафар аҳолига 113,76 кўрсаткичи билан барқарор бўлиб қолган (1- жадвал).

Натижалар ўн йиллик муддат давомида КАЁЖ умумий касалланишининг юқори стабил кўрсаткичларини кўрсатмоқда, яъни Фарғона вилоятида ҳар 100 минг нафар аҳолига 490 дан ортиқ ва Қашқадарё вилоятида 250 дан ортиқ тўғри келган. Фарғона вилоятида, айниқса, 2016-йилда (494,28), 2017-йилда (444,12) ва 2019-йилда (462,41) жуда юқори кўрсаткичлар кузатилган.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда
кўрув аъзосининг ёпиқ жароҳатлари билан умумий касалланиш
кўрсаткичлари (100 минг аҳоли сонига)**

Йиллар	Қарақалпоқистан Республикаси	Андижан вилояти	Бухоро вилояти	Жиззак вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд илояти	Сирдарё вилояти	Сурхандарё вилояти	Қашқадарё вилояти	Фарғона вилояти	Хорезм вилояти	Ташкент вилояти	Тошкент шаҳри	Йил учун ўртача белги:
2010	11,76	19,69	79,26	72,71	102,28	19,70	13,21	126,26	62,65	1,11	314,15	51,29	9,59	10,52	63,16
2011	13,92	8,83	76,79	76,28	116,04	21,05	13,48	140,13	60,69	7,93	314,72	47,78	11,12	12,11	64,08
2012	11,16	27,23	92,71	77,20	121,99	23,80	15,45	126,98	67,60	6,84	326,41	81,09	12,02	13,16	70,63
2013	11,74	25,98	81,81	77,10	137,89	14,19	18,16	130,83	48,22	4,91	264,77	107,33	11,46	12,47	62,85
2014	9,67	25,45	107,09	80,37	115,64	15,06	20,37	132,63	47,65	14,85	272,88	88,30	8,29	9,10	64,22
2015	8,11	29,82	112,41	82,47	136,66	16,60	21,20	132,29	86,93	52,49	343,46	96,82	11,31	12,44	81,17
2016	8,43	22,57	81,20	82,05	151,63	16,06	22,21	131,17	109,06	188,56	494,28	111,80	9,59	10,61	111,24
2017	8,69	27,27	105,78	78,55	136,51	16,36	22,24	123,89	87,32	184,70	444,12	101,99	10,67	11,80	104,46
2018	8,61	30,98	89,63	74,73	115,91	16,73	22,61	121,82	95,91	219,17	414,20	116,81	9,90	10,85	104,89
2019	8,95	43,24	96,34	75,29	140,72	18,56	24,01	117,75	105,09	251,58	462,41	110,05	7,35	7,91	113,76

Изоҳ: Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий амалий тиббиёт марказининг ҳисобот шакллари ва ССВ статистик маълумотлар тўплами материалларидан олинган.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда
кўрув аъзосининг ёпиқ жароҳатлари билан бирламчи касалланиш
кўрсаткичлари (100 минг аҳоли сонига)**

Йиллар	Қарақалпоқистан Республикаси	Андижан вилояти	Бухоро вилояти	Жиззак вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд илояти	Сирдарё вилояти	Сурхандарё вилояти	Қашқадарё вилояти	Фарғона вилояти	Хорезм вилояти	Ташкент вилояти	Тошкент шаҳри	Йил учун ўртача белги:
2010	11,76	10,47	79,26	67,16	100,05	19,70	8,43	98,26	6,27	0,38	314,15	51,29	7,04	7,70	55,43
2011	13,92	11,79	76,79	68,66	111,80	21,05	8,68	109,19	6,07	7,27	314,72	47,78	10,13	11,06	57,38
2012	11,16	13,26	92,71	69,61	115,30	23,80	10,55	110,34	5,86	3,96	326,41	81,09	5,50	6,02	61,33
2013	11,74	12,44	81,81	72,37	128,66	14,19	13,34	99,25	4,82	3,60	264,77	107,33	11,43	12,43	55,39
2014	9,67	15,75	107,09	74,58	101,43	15,06	12,48	100,03	4,77	10,02	272,88	88,30	6,20	6,80	56,34
2015	8,11	17,99	112,41	76,47	109,29	16,60	12,06	97,16	8,69	33,36	343,46	96,82	6,05	6,66	67,90
2016	8,43	16,32	81,20	77,19	123,18	16,06	12,72	96,51	8,42	124,44	494,28	111,80	5,69	6,31	92,68
2017	8,69	15,93	105,78	70,48	126,22	16,36	10,60	96,00	8,73	107,58	444,12	101,99	6,64	7,34	86,05
2018	8,61	16,75	89,63	58,00	102,20	16,73	12,76	92,03	9,59	173,85	414,20	116,81	5,89	6,45	88,33
2019	8,95	25,83	96,34	69,52	136,00	18,56	11,64	107,15	10,51	248,65	462,41	110,05	6,24	6,69	101,95

Изоҳ: Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий амалий тиббиёт марказининг ҳисобот шакллари ва ССВ статистик маълумотлар тўплами материалларидан олинган.

КАЁЖнинг умумий касалланишидан ташқари Ўзбекистон Республикаси вилоятлари кесимида 2010- 2019 йиллар давомида бирламчи касалланишини ҳам таҳлил қилинган, бу кўрсаткичлар 2010 йилдан 2019 йилгача 100 минг аҳоли сонига 46,52 га (55,43 дан 101,95 гача) ўсган (2-жадвал). Республикада КАЁЖнинг бирламчи касалланиш натижалари умумий касалланиш кўрсаткичларига яқин.

Тошкент шаҳрида умумий ва бирламчи касалланиш кўрсаткичлари кескин ўсиш ва пасайиш даврлари билан барқарор эмас. Умумий касалланиш 2010 йилдан 2012 йилгача 2,64 га ошди (10,52 дан 13,16 гача), сўнг 2019 йилга келиб 100 минг аҳолига 7,91 га (5,21 га) кескин камайган. Бирламчи касалланиш ҳам 2010 йилдан 2013 йилгача 4,73 га ошди (7,70 дан 12,43 гача), сўнг 2019 йилга келиб 100 минг аҳолига 6,69 (5,74) га кескин пасайиш кузатилган, бу бирламчи касалланишнинг сезиларли даражада пасайиб боришидан далолат беради.

Тошкент шаҳрида КАЁЖ оқибатида келиб чиққан кўришга боғлиқ умумий ногиронлик 10 йил ичида етарлича турғун бўлмаган, яъни ўсиш тенденциясига эга бўлган, 2017 йилдан бошлаб кўрсаткичлар орта бошлаган (2017 йил-53; 2018 йил -57) ва 2019 йилда 100 минг нафар аҳолига 60 ни ташкил қилган (3-жадвал).

3-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида КАЁЖ оқибатидаги ногиронлик кўрсаткичлари

Йиллар	Тошкент шаҳри		Жами	Ўзбекистон Республикаси		Жами
	Умумий ногиронлик	Биринчи марта аниқланган ногиронлик		Умумий ногиронлик	Биринчи марта аниқланган ногиронлик	
2010	37	5	42	921	66	987
2011	34	9	43	796	70	866
2012	38	7	45	807	75	882
2013	43	10	53	972	59	1031
2014	43	9	52	1048	107	1155
2015	32	13	45	1044	108	1152
2016	40	9	49	1040	130	1170
2017	53	9	62	1107	130	1237
2018	57	8	65	1128	153	1281
2019	60	8	68	1047	127	1174
Жами	437	87	524	9911	1025	10936

Изоҳ: ЎЗР ССВ тиббий-ижтимоий экспертизалар Республика инспекциясининг ҳисоб шакл маълумотлари.

КАЁЖ оқибатида кўришга боғлиқ (бирламчи) ногиронлик кўрсаткичлари эса 2010 йилга нисбатан етарлича турғун бўлмаган (бир неча марта ортган ва камайган) - 2011 йилда – 9, 2012 йилда – 7, 2013 йилда – 10 ва 2014 йилда – 9, бироқ 2015 йилдан бошлаб кўрсаткичларнинг 2010 йилга нисбатан 7 баробар

кескин ортиши кузатилган ва 13 ни ташкил этган, бироқ 2016 йилдан бошлаб кўрсаткичлар 100 минг нафар аҳолига 9 га тушган ва шу ҳолат 2019 йилга қадар сақланиб қолган.

Шу тариқа, тадқиқотнинг биринчи босқичига хулоса қилган ҳолда аниқландики, 2010-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида КАЁЖ билан умумий касалланиш барқарор равишда 1,8 ўсган (катта аҳолининг 100 минг нафарига 63,16 дан 113,76 гача), бу кўрсаткич вилоятлар кесимида жуда катта фарқ қилади. Республика ҳудудлари орасида кўрсаткичлар бўйича етакчи ўрин Фарғона вилояти (462,41) ва Қашқадарё вилояти (253,58) га тегишлидир. Энг паст ва барқарор кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида (7,91), Тошкент вилоятида (7,35) ва Қорақалпоғистон Республикасида (8,95) кузатилган. Бирламчи касалланиш кўрсаткичлари ҳам барқарор равишда 1,8 баробарга ошган (55,43 дан 101,35 га). Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йиллар давомида КАЁЖ оқибатида умумий ногиронлик сони 1,1 баробарга (катта аҳолининг 100 минг нафарига 921 дан 1047 гача) ва биринчи аниқланган ногиронлик 2 баробарга (катта аҳолининг 100 минг нафарига 66 дан 127 гача) ошган. Тошкент шаҳри бўйича ҳам КАЁЖ оқибатида умумий ногиронлик кўрсаткичлари ўн йилликда 1,6 баробарга (катта аҳолининг 100 минг нафарига 37 дан 60 тага) ўсган, бирламчи ногиронлик кўрсаткичлари эса бутун давр мобайнида барқарорлигича қолган (катта аҳолининг 100 минг нафарига 5 дан 8 тагача).

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда КАЁЖдан умумий ва бирламчи касалланиш, мос ҳолда 100 минг аҳолига 113,76 ва 101,95 ни ва Тошкент шаҳрида 7,91 ва 6,69 ни ташкил қилгани аниқланган. Ўзбекистон Республикасида умумий ва бирламчи ногиронлик кўрсаткичи 2019 йилда 100 минг нафар аҳолига мос равишда 1047 ва 127 ни, Тошкент шаҳрида эса 60 ва 8 ни ташкил қилган. 2010-2019 йиллар мобайнида касалланиш даражаси барқарор ўсиб бормоқда, ногиронлик кўрсаткичлари эса камаймаган.

Диссертациянинг **“Юз ўрта соҳасининг синишлари бўлган беморларнинг тиббий - ижтимоий ва клиник тавсифи”** номли *тўртинчи* бобида тадқиқотнинг учинчи босқичининг маълумотлари келтирилган.

Нусха кўчириш усули билан ретроспектив таҳлил ўтказиш даврида 1884 та тиббий хужжатлар таҳлил қилинган: улардан 1654 таси стационар беморларнинг касаллик тарихи бўлиб, улар орасидан 1280 тасини ЮЎС шикастланиши (67%), 604 тасини (32%) эса – юқори жағ синишлари билан биргаликдаги орбитанинг синиши ташкил этган. Бироқ, тиббий - ижтимоий тавсиф 1280 хажмда, яъни фақатгина ЁОК шикастланишлари билан амалга оширилган.

ЮЎС синиши бўлган беморларнинг ижтимоий-касбий фаоллиги, маълумот даражаси ва ижтимоий мавқеи ўрганилганда, беморларнинг 66,9% ўрта ёки ўрта махсус маълумотга эгаллиги, 36,5% эканлиги аниқланган.

Беморларнинг яшаш жойларини ўрганиш шуни кўрсатдики, стационар даволанишдаги беморларнинг 61,4%ини Тошкентда, 20,7%ини Республиканинг бошқа ҳудудида яшовчилар, 2,3% ини муайян яшаш жойига

эга бўлмаган шахслар ташкил қилган. Жабрланганларнинг 41,3% ида спиртли ичимлик туфайли мастлик (мувозанатни йўқотиш, зарба) сабали шикастланиш юзага келган.


ЮЎС синиши билан касалланганларнинг клиник тавсифини ўрганиш ТДСИнинг юз-жағ жаррохлиги бўлими ва ТТАнинг кўп тармоқли клиникаси маълумотларини ретроспектив таҳлил қилиш асосида олиб борилган.

Касалликни идентификациялаш учун ЖССТ томонидан таклиф қилинган (2009) Рыбальченко Г.Н. таснифидан фойдаланилган, зеро ЁОК ЮЎС таркибига киради ва КХТ – 10 нинг ташхислаш мезонларига мос келади ҳамда А ва В гуруҳларини ифодалайди.

А гуруҳга ЮЎС синишлари, В гуруҳга эса юқори жағ синишлари киради. ЮЎС жароҳатлари (А гуруҳ) синишнинг жойлашган жойига кўра 4 та кичик гуруҳларга бўлинади: А1 – латерал гуруҳ (орбитанинг ташқи қирраси ва ташқи девори шикастланиши); А2 – пастки латерал гуруҳ (ёноқ – орбита – юқори жағ (ЁОЮЖ) комплексининг шикастланиши, орбита тубининг алоҳида синиши билан биргаликдаги, шу жумладан портловчи синишлари ҳам); А3 – юқори медиал гуруҳ (бурун – орбита – панжарасимон (БОП) комплексининг шикастланиши); А4 – юқори гуруҳ (орбитанинг юқори қирраси ва юқори деворининг шикастланиши).

ЮЖ синишларини ўз ичига олувчи В гуруҳи ҳам 3 та кичик гуруҳларга бўлинган: В1 - Le-Fort I (трансверзал синиш), В2 - Le-Fort II (жағ – юз ажралиши), В3 - Le-Fort III (бош чаноқ – мия ажралиши).

Тадқиқот гуруҳларида жароҳатларнинг жойлашган жойига кўра беморларнинг тақсимланиши нотекис бўлиб, 1- расмда кўрсатилган.




1-расм. ЮЖЖ бўлимидаги А гуруҳ беморларда ЮЎС жароҳатлари жойлашуви

1-расмни таҳлил маълумотларига асосланган ҳолда, ЮЎСнинг жароҳатлари билан касалланган беморларнинг кўпчилиги ёноқ-орбита-юқори жағ комплекси (А₂ гуруҳ) синишларига тўғри келган - 46,4% (4,8% ҳолатларда “портловчи синишлар”, 18% ҳолатларда яноқ – орбитал синишлар), бурун-орбита- панжарасимон комплексининг (А₃ гуруҳ) синишлари 23,1% ни, энг кам - орбитанинг ташқи қирраси ва ташқи девори синишлари 6,9% (А₁ гуруҳ), бундан ташқари орбитанинг пастки деворининг ва юқори қиррасининг чегараланган синиши ҳам кузатилган (А₄ гуруҳ) – 0,8%, камдан кам ҳолларда ЮЎСнинг икки томонлама шикастланиши (0,1%) аниқланган.

Амбулатор карталар маълумотларининг таҳлиliga кўра (2-расм), 230

нафар беморда синишлар аниқланган, улар орасидан 126 нафар беморда чегараланган синишлар, 104 нафарида ЮЎС суякларининг кўп сонли синишлари кузатилган.



2-расм. Поликлиникага мурожат қилган А гуруҳ беморларда ЮЎС жароҳатлари жойлашуви.

Чегараланган синишлар орасида орбита пастки деворининг синишлари устунлик қилган $n=39$ (31%), орбитанинг медиал девори $n=22$ (17,4%), орбитанинг латерал девори $n=3$ (2,3%), бурун суякларининг $n=42$ (33,3%), яноқ суякларининг $n=10$ (8%), гаймор бўшлиғи деворларининг $n=9$ (7,1%) ни ташкил қилган. Орбитанинг иккала деворининг ҳамкорликдаги синишлари $n=9$ беморларда кузатилган (7,1%).


Олинган маълумотларни таҳлил қила туриб шундай хулоса қилиш мумкинки, ЮЎС жароҳатлари (А гуруҳ) кўпинча бош мия чайқалиши, юз юмшоқ тўқималарининг лат ейиши ва шикастланиши билан, юқори жағ синишлари (В гуруҳ) эса бош миянинг лат ейиши биргаликда кузатилган.

Кўз олмаси ва ёндош қисмларининг шикастланиши А гуруҳ беморларининг 34,3% ида ва В гуруҳ беморларнинг 21,5% ида аниқланган. Орбита клечаткасида ортиб бораётган гематома кўз олмасини сиқиб чиқаради, бу эса экзофтальм ва кўрув нерви ишемиясига олиб келади, бир нечта беморларда тўлиқ амовроз кузатилган.

ЁОК жароҳатларида асосий офтальмологик симптомлар: окуломоториканинг бузилиши (страбизм) – 105 (28,3%) беморда, кўз олмаси дистопияси - 97 (26,1%) да, диплопия - 130 (35,0%) беморларда аниқланган. Тадқиқотдаги беморларнинг кўриш ўткирлиги турлича эди.

Кўриш ўткирлигини пасайишининг асосий сабаби - 141 (38,0%) нафар беморда травматик оптик нейропатия (ТОН) нинг мавжудлиги бўлди, шундан билвосита ТОН - 128 (91,2%) да ва бевосита эса 13 (8,8%) нафар беморда ташхисланган.

Офтальмоскопиянинг ўтказилиши ЮЎС жароҳати билан касалланган беморларнинг 371 нафарида (29%) кўз тубида ўзгаришларни аниқлаш имконини берган, уларда етакчи ўринни ТОН (38%) эгаллайди. Шу тариқа, бинокуляр кўрувнинг бузилиши, марказий кўрувнинг пасайиши, кўз олмаси ҳаракатланишининг чегараланиши, энофтальм, диплопия, кўрув аъзосининг турли оғирлик даражаларидаги контузияси, шунингдек, травматик оптик нейропатия кўрув фаолияти бузилишларини етарли даражада баҳоланмаганлик оқибатларидир (3-расм).



3-расм. ЁОК жароҳати бўлган беморларда кўрув фаолияти бузилишининг оғирлик даражаси

Бизнинг тадқиқотларимиз маълумотларига кўра жабрланган орасида офтальмологик муаммоларнинг энг кўп сони биноккуляр кўриш сифатида - 49,3% ва ТОН – 56,2% кузатилган.

Тиббий хужжатларни ретроспектив таҳлил қилиш вақтида, 10 йил давомида фақат 371 нафар бемор (29%) офтальмолог шифокор томонидан кўриқдан ўтказилган, улардан 252 нафари ЁОК жароҳатлари билан касалланганла эканлиги аниқланган.

ЮЎС суяклари жароҳатлари бўлган беморларнинг ўрганилаётган гуруҳининг клиник тавсифи, ЁОК жароҳатлари бўлган беморларни ўз вақтида офтальмолог кўригидан имкон қадар эрта ўтказиш, ташхислаш ва консерватив симптоматик даво чораларини бошлаш, шунингдек, жароҳлик амалиёти аралашуви хажми ва муддатини қисқа вақтда аниқлаш имконини беришини (жароҳатдан сўнг дастлабки 2 кун) исботлайди.


Диссертациянинг “Юз ўрта соҳасининг синиши бўлган беморларга тиббий ёрдамни ташкил этишни баҳолаш” номли *бешинчи бобида* касалхонага ётқизиш босқичларида тиббий ёрдам кўрсатишнинг таҳлили маълумотлари келтирилган.

Касалхонагача бўлган босқичда тиббий ёрдамни ташкил этишни баҳолаш 1654 та тиббий хужжатларни ретроспектив таҳлили маълумотлари асосида амалга оширилган, улардан 1280 таси ЁОК жароҳатлари бўлган беморлардир.

Тез тиббий ёрдам (ТТЁ) хизмати келгунига қадар жабрланганларга деярли ёрдам кўрсатилмаган. Ёрдам 9,1% ҳолларда кўрсатилган - 43,5% ҳолларда авария содир бўлган жойга етиб келган ЙХХББ ходимлари ва бошқа автотранспорт ҳайдовчилари томонидан, 21,0% - йўловчилар ва 14,0% - бошқалар томонидан кўрсатилган. ТТЁ бригадасини чақирганларнинг 45,7% ини ходиса иштирокчилари, 20,2% ҳолатларда гувоҳлар ташкил қилади. Шундай қилиб, олинган маълумотлар натижасида, 55,8% ҳолатларда ТТЁ хизматига кескин эҳтиёж йўқлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Жароҳатлар механизмга кўра, шикастланишларнинг асосий тури маиший жароҳатлар бўлиб, 95% ни ташкил қилади ва келиб чиқиш сабаби бўйича жанжал ва йўл транспорт ҳодисалари устунлик қилган.

ЮЎС жароҳатларида тиббий ёрдамни ташкил қилишни ўрганишда биринчи ёрдам кўрсатувчи шахслар/ташкilotларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ретроспектив таҳлил ўтказилган ва олинган маълумотлар диаграммада (4-расм) акс эттирилган.



4-расм. Госпиталгача бўлган этап ичда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

Диаграммадаги маълумотлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолатларда (76%) биринчи тиббий ёрдам кўрсатилмаган.

Шундай қилиб, ЮЎС жароҳатлари учун биринчи ёрдамни ташкиллаштириш бўйича чоралар кўриш муҳим, бу эса юзага келиши мумкин бўлган асоратларни камайтиришга ва мос равишда беморлар ногиронлиги фоизини пасайтиришга имкон беради.

Таъкидлаш муҳимки, ТТЁ хизмати томонидан кўрсатилган биринчи ёрдамнинг кўрсаткичлари (5%) жуда паст. Бунинг сабабларидан бири шуки, ТТЁ шифокорларининг офтальмо жарроҳлик патологиясида тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларини ўзлаштирганлик сифати пастлиги, бу эса беморларнинг юқор даражадаги тиббий ёрдамга йўналтирилишнинг катта фоизига олиб келган.

Ўтказилган таҳлилнинг кўрсатишича, ўта зарур даволаш-ташхислаш тадбирлари фақатгина 6,3% ҳолларда, қолган ҳолларда эса - етарли бўлмаган ҳажмда амалга оширилган. Таъкидланганидек, 83,9% муҳтожларга тиббий асбоб-ускуналарни етишмаслиги ва назаримизда шифокорлар малакасининг паст даражада эканлиги туфайли ўтказилмаган, 91,6% ҳолатда қоқшолнинг зарур профилактикаси ўтказилмаган, 36,8% ҳолатларда қон кетишни тўхтатиш чора-тадбирларини самарасизлиги аниқланган.

Қабул бўлимида тиббий ёрдам ташкил этишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири, ихтисослаштирилган бўлимга ётқизишдан олдин ташхислаш тадбирларига кетказиладиган вақтдир.


Беморларнинг мурожат қилиш муддати таҳлил қилганда, жароҳат олган пайтдан бошлаб биринчи кун ичида 63% дан ошиқ бемор мурожат қилган аниқланган. Эрта мурожатлар бўйича энг кўп рўйхатга олиш жароҳатдан кейин 3 кун ўтгач, кеч мурожатлар билан энг кўп кўрсаткич эса жароҳатдан бир йил ўтгач (21,1%) муддат эканлиги аниқланган. Касалхонага ётқизишнинг кечиктирилган сабабларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, жароҳатдан кейинги биринчи кундан кечроқ касалхонага ётқизилган беморларнинг учдан

бир қисми (33,1%), тиббий ёрдамга соғлиғи яхшилиги ва шикоятлар йўқлиги сабабли муурожаат қилмаган.

ЮЎС суякларининг синишининг мураккаблиги ва хилма-хиллигини қўшимча тадқиқот усуллари - рентгенография ва МСКТ ни қўллаш орқали кузатиш мумкин. ЮЎС жароҳатларини ташхислашда нурли тадқиқот усулларини ўн йил давомида (2010-2019 йиллар) қўлланилганлигини ўрганиб чиқиб шундай хулосага келдикки, рентгенографик текширувининг 100% ўтказилишига қарамай, фақатгина 26% ҳолатлардагина ташхислашда МСКТ усули қўлланилган.

Беморни даволаш тактикаси ва жарроҳлик аралашуви усуллари ЮЎС суякларининг шикастланиш даражаси, жойлашган жойи, бемор умумий аҳволининг оғирлиги ва бошқа омиллар билан белгиланади. А гуруҳдаги беморларнинг 13,3% да косметик ва функционал бузилишларнинг мавжуд бўлмаганида даволашнинг консерватив усулларида фойдаланилган, ЮЎС синишлари бўлган 55,8% беморларда кам травматик жарроҳлик аралашуви ўтказилган ва 74,6% ҳолатларда бу ёноқ суякларининг репозицияси бўлган. Репозиция барча операция қилинган беморларнинг 81,4% да касалхонага ётқизилган биринчи кунда ўтказилган, бемор ётқизилган иккинчи кунда эса - 16,8%ида ўтказилган, бу эса алкоғолли ичимликдан мастлик, беморнинг ҳолсизлиги, кўнгил айнаши, бошқа организм аъзолари ва тизимдаги бузилишлар билан боғлиқ бўлган. 3 - 14 кунлик даврда яна 13,3% жарроҳлик амалиёти олиб борилган. Кечиктирилган репозиция бир нечта тоифадаги сабабларга эга бўлган (5-расм).

Бундан ташқари, жарроҳлик амалиётининг кечикишларининг 38,4% ини бартараф этиш мумкин, чунки дастлабки босқичларда жарроҳлик муолажаси яхши натижаларга олиб келади ва касалхонада ётиш муддатини қисқартиради.



5-расм. Жарроҳлик аралашувини кечиктириш сабаблари

Беморларнинг 18,9% ида ЮЎС реконструктив жарроҳлик муолажасининг асоратлари аниқланган, максимал асоратлар инфраорбитал (22,1%) ва субцилиар (22,9%) ёндашувларда кузатилган. Таъкидлаш жоизки, беморларнинг 9,8% ЮЎС деформацияси ва функционал бузилишлари қисман бўлгани туфайли, таклиф этилган жарроҳлик амалиётини рад этган. Беморларнинг 6,6% касалхона тартибини бузганликлари (спиртли ичимликларни истеъмол қилганлари ва касалхонани рухсатсиз тарк этганликлари) туфайли касалхонадан чиқариб юборилган.

Амалга оширилган чора-тадбирлар мажмуаси таҳлилида шифохонага ётқизилган ЁОК жарохати бўлган беморларнинг 5,8% да бир қатор асоратлар аниқланган. Улар 3 гуруҳга бўлинади – 35,6% ҳолатда “олдини олиш мумкин бўлган” хатоликлар”, 30,2% ҳолатда “шартли равишда олдини олиш мумкин бўлган” ва 34,2% ҳолатда “олдини олиб бўлмайдиган” хатоликлар юзага келган. Беморларнинг 65,8% кейинчаликда такрорий реконструктив жарроҳлик амалиётини талаб этган.

Диссертациянинг **“Юз ўрта соҳасининг синиши билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволашни мукамаллаштириш”** номли *олтинчи бобида* ТОНнинг юзага келиши ва ривожланишини олдини олиш, даволаш ва ташхислашни такомиллаштириш борасидаги маълумотлар келтирилган.

ЁОК синишларида, шикастланишдан кейинги дастлабки ва кечки даврларида тўр парда ва кўрув нервининг минтақавий гемодинамикаси кўрсаткичларини ўрганиш, шунингдек, ҳолатни баҳолаш учун импульсли доплерография билан ЦДК режимида ультратовуш текшируви қўлланилган.

